

БАХТИЁР МИРЗО

ЖАЙРОН КЎЗЛИ
НИГОРИМ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2017

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)7

М – 54

Жайрон кўзли нигорим / шеърлар: Бахтиёр Мирзо.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 120 б.

ISBN 978-9943-20-215-3

Шоир сўз қудратини ҳис қилиб, ўқувчи туйғуларига ҳамоҳанг қалам тебратсагина, қалбни тўлқинлантира оладиган шеър дунёга келади.

Бахтиёр Мирзонинг ушбу китобидаги шеърларни ўқиб, сўзга масъулият билан ёндашувни ҳис этасиз.

Самимийлик, меҳр-муҳаббат тараннум этилган ушбу шеърини тўплам китоб жавонингиздан жой олишига ишонамиз.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84 (5Ў)7

ISBN 978-9943-20-215-3

© Бахтиёр Мирзо, «Жайрон кўзли нигорим». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

ҲАЁТ ИШҚДАН ИБОРАТ ГҶЁ

Жиззахлик олим ва шоир Бахтиёр Мирзо номи адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. Кейинги йилларда анча самарали ижод қилган бу қалам соҳиби «Сени излаб» (2011), «Ишқ илҳомлари» (2014), «Ҳаёт тарозиси» (2015), «Бир гўзал – эллик ғазал» (2016), «Руҳият» (2017) шеърӣ китоблари ҳамда яна бир истеъдод эгаси Туроб Юсуф билан ҳамкорликда яратган «Ғалаён» (2016) тарихий-шеърӣ драмаси билан китобхонлар эътиборига тушди.

Қўлингиздаги «Жайрон қўзли нигорим» назмӣ гулдастаси ҳам изланувчан ижодкорнинг яна бир тухфаси бўлди. Мазкур тўпламдаги шеърлар, асосан, ишқ-муҳаббат мавзусида бўлиб, унда ёрга нисбатан вафо, садоқат, соғинч туйғулари тараннум этилади. Муаллиф ошиқ тимсолида бани башарнинг қўнғлида кечган энг жозибали манзараларни алоҳида иштиёқ билан таърифлайди. Васлу висолга бўлган умидни отмоқчи бўлган тонгга менгзайди. Бинобарин, китобнинг асосини ишқ мавзусидаги ранг-баранг шеърлар ташкил этишидан ташқари, она Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, атрофимизни ўраб турган табиатга эҳтиром, меҳнаткаш халқ дарду ташвишига хайрихоҳлик кайфияти ҳам гўзал, ташбеҳли сатрларда ўз ифодасини топган.

Жумладан, ернинг турли бурчакларида уруш ўчоқлари алангаланиб турган ҳозирги шундай мураккаб ва таҳликали замонда ўз Ватани равнақи йўлида астойдил жон куйдираётган ақл-идроқда устувор

юртдошига қарата шоир «Армонли дунё бу, армонли дунё» сарлавҳали шеърида шундай хитоб қилади:

*Бахтиёр Мирзо дер: Бағринг бўлиб бут,
Хар қандай балога ақлингни шай тут,
Дилингда ҳеч қачон сусаймасин ўт,
Армонли дунё бу, армонли дунё.*

Ўйлайманки, юртимизнинг яшноқ бир воҳасида ғайрат билан қалам тебратиб келаётган ижодкоримизнинг ушбу қалб маҳсули Сиз азизларга манзур бўлади.

***Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири***

ЖАЙРОН КЎЗЛИ НИГОРИМ

Сен тенгсизсан чиройда,
Тан олмаслик бефойда,
Замин деган саройда
Маликасан, эй, ёрим,
Жайрон кўзли нигорим.

Кипригимда ухлайсан,
Тушларимда йўқлайсан,
Қош-камонинг ўқлайсан,
Сенда бор ихтиёрим,
Жайрон кўзли нигорим.

Кўзларингда сеҳр бор,
Юрагингда меҳр бор,
Ҳажрингда-чи қаҳр бор,
Қуритар гоҳ мадорим,
Жайрон кўзли нигорим.

Юзинг нурдан бинодир,
Тишинг дурдан бинодир,
Ҳаёт сирдан бинодир,
Сендан гўзал диёрим,
Жайрон кўзли нигорим.

Билгали садоқатим,
Сина, майли, тоқатим,
Кўп бироқ жароҳатим,
Янграр аянчли зорим,
Жайрон кўзли нигорим.

Кайфиятим бузмайман,
Сендан кўнгил узмайман,
Ўзимча боғ кезмайман,
Сени севиш – шиорим,
Жайрон кўзли нигорим.



АЙТГАНЛАРИНГ ҚИЛМАСМАН

Қут деганда қутмасанг,
Мени деб ғам ютмасанг,
Розимга гул тутмасанг,
Айтганларинг қилмасман.

Четга олиб кўзингни,
Олиб қочсанг ўзингни,
Дариф тутсанг юзингни,
Айтганларинг қилмасман.

Чорпояда қутган пайт,
Келмайсан сен нечун, айт,
Ўжарликдан, гулим, қайт,
Айтганларинг қилмасман.

Араз шунча бўлурми?
Ғараз шунча бўлурми?
Ич ҳам тунча бўлурми?
Айтганларинг қилмасман.

Сен доғласанг дилимни,
Ҳам боғласанг қўлимни,
Ким очади йўлимни,
Айтганларинг қилмасман.

Гарчи оят каби нақ,
Айтганларинг бари ҳақ,
Лек қотганман муаллақ,
Айтганларинг қилмасман.

ДУНЁГА ТЕНГ КЕЛГАЙДИР

Икрор яшар маконим,
Сенсан жону жаҳоним,
Қўзларинг сеҳри, жоним,
Дунёга тенг келгайдир.

Сукут-ла кечса жанги,
Ўзгарар дунё ранги,
Тиниқ қулгинг жаранги
Дарёга тенг келгайдир.

Лутфинг, соҳибжамолим,
Бўлмай, ошмиш малолим,
Ҳозирги шу аҳволим
Сахрога тенг келгайдир.

Ҳимматингни ошкора
Қутар юрак бечора,
Сенда оддий ишора
Ғаввога тенг келгайдир.

Дил қуши чархни койиб,
Учар қанотин ёйиб,
Қисматим энг ғаройиб
Савдога тенг келгайдир.



БИЛИБ ҚҰЙ

Сенсан жондан суйганим,
Ўздан устун қўйганим,
Сўзин куйга йўйганим,
Билмасанг гар, билиб қўй.

Оташингда кўйганман,
Гоҳ жонимдан тўйганман,
Кафтингга не қўйганман,
Билмасанг гар, билиб қўй.

Шай бўп ҳар бир забтингга,
Қалбим турар кафтингда,
У хизматда нафингга,
Билмасанг гар, билиб қўй.

Бу томонда, қуёшим,
Синовдадир бардошим,
Қанча экан кўз ёшим,
Билмасанг гар, билиб қўй.

Демам сени «золимсан»,
Ҳолатимдан лолимсан»,
Ўпич олсам, болимсан,
Билмасанг гар, билиб қўй.



ДАРДИНГ БИЛАН ЯШАЙМАН

Гўзал моҳитобоним,
Сенсан орзу-армоним,
Бажариб ишқ фармонин,
Дардинг билан яшайман.

Бир маҳалги севинчим,
Қолмади дилда тинчим,
Хаётда йўқ илинжим,
Дардинг билан яшайман.

Қанотимиз қайирди,
Бизни қисмат айирди,
Уни ким ҳам койирди,
Дардинг билан яшайман.

Кўкдан, шавққа бўлиб ёв,
Гусса ёғар бетўхтов,
Жабр, ғамга бўлиб ов,
Дардинг билан яшайман.

Қисмоқ учун етган дам,
Бери келар уфқ ҳам,
Фақат заҳмат муаззам,
Дардинг билан яшайман.

Ўйлаб кўнглим тўлади,
Ичда недир бўлади,
Ошиқ шундай ўлади,
Дардинг билан яшайман.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4153> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4153> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4153>